

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош котиби ёрдамчисини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енчани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга аъзо бўлганининг 25 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги учун миннатдорлик билдирид ҳамда Ўзбекистон БМТ ва унинг ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда давом этишини таъкидлади.



Президентимиз БМТнинг глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ҳамда бугунги қуннинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши

курашишда тутган мухим ўрнини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз билан БМТнинг самарали ҳамкорлиги йилларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этиш, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришга эмбарго қўйиш, "6+2" мулоқот гурухини тузиш, шунингдек, минтақамизда тараққиётга эришиш, Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш масалаларини глобал даражага кўтариш ва бошқа қўплаб ташабbusлар нафақат БМТ доирасида, балки халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди.



Суҳбат чоғида ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича фикр алмашилди ва кўриб чиқилган барча масалалар бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш экани таъкидланди. Истиқболда ўзаро муносабатларни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари ҳам мухокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиёда амалга оширилаётган ривожланиш жараёнларида БМТни янада фаол иштирок этишга, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш борасидаги минтақавий долзарб масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликда ишлашга даъват этди.

Мирослав Енча самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга чукур миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга, ўзаро

манфаатли барча йўналишларда кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ЎзА